



## ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР ВА УЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Салихова Алина Муратовна**

Тошкент давлат шарқшунослик университети катта ўқитувчиси

**E-mail:** [alina\\_salixova@tsuosl.uz](mailto:alina_salixova@tsuosl.uz)

**ORCID:** <https://orcid.org/0009-0005-8762-4135>

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol12\\_iss6/608](https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss6/608)

### Аннотация

Ижтимоий хизматлар аҳоли фаровонлиги ҳамда ижтимоий тенгликни таъминлашга қаратилган иқтисодий фаолият турларидан бири бўлиб, ривожланаётган мамлакатларда бу йўналишни молиялаштириш билан боғлиқ қийинчиликлар кузатилади. Айниқса, иқтисодий тизимнинг ўзгариши билан кечаётган ривожланиш босқичларида ушбу жараён нисбатан мураккаб кечади. Давлатнинг етакчи роли билан характерланувчи мазкур фаолиятни молиялаштиришда нодавлат субъектлар молиясини жалб қилиш имкониятлари ҳам мавжуд.

**Калит сўзлар:** ижтимоий хизмат, бюджет, давлат-хусусий шерикчилик, нодавлат фонdlar

### СОЦИАЛЬНЫЕ УСЛУГИ И ВОЗМОЖНОСТИ ЕЕ ФИНАНСИРОВАНИЕ

### Аннотация

Социальные услуги являются видом экономической деятельности, направленные на повышенные жизнедеятельности населения и обеспечения социального равенства, финансирования которого часто затрудняет правительство стран, в частности развивающихся. Особенно, этот процесс проходит более осложненно в странах с переходной экономикой. В целях смягчения процесса, кроме государственного бюджета, который считается основным источником финансирования деятельности, важно привлечь негосударственные финансы.

**Ключевые слова:** социальные услуги, бюджет, государственно-частное партнерство, негосударственные фонды.

**Social services and opportunities of financing it**

### Abstract

Social services are a type of economic activity aimed at increasing the vital activity of the population and ensuring social equality, the financing of which is often difficult for governments of countries, in particular developing ones. This process is especially complicated in countries with transition economies. In order to mitigate the process, in addition to the state budget, which is considered as the main source of financing for the activity, it is important to attract non-state finances.

**Key words:** social services, budget, public-private partnership, non-state funds.

### Кириш

Иқтисодиёт ривожланиши билан инсонларнинг эҳтиёжлари кўлами ва турлари

ҳам ҳам кенгайиб боради. Товар ва маҳсулотлар билан бир қаторда бозорда

хизматларга бўлган талаб ҳам диверсификациялашади. Натижада иқтисодиётнинг пировард мақсади бўлган аҳоли турмуш фаровонлиги белгиловчи кўрсаткичлар ортади. Бу ўз ўрнида кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифати ва хусусиятларига бўлган талабнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Ижтимоий хизматлар аҳоли турмуш даражасини ошириш, шунингдек жамиятнинг мъълум бир гурӯҳга тегишли аъзолари учун базавий эҳтиёжларини қондириш имкониятларини яратиб беришни ҳам назарда тутади. Ижтимоий хизматлар моддий даромад келтириш даражаси юқори бўлган тадбиркорлик фаолиятларидан ҳисобланмаганлиги сабабли ҳукумат томонидан ташкил этилиши ҳамда молиялаштирилиши қатор давлатлар тажрибасида кенг кузатилади. Бироқ қатор тадқиқотлар ижтимоий хизматларни таклиф этиш механизмини такомиллаштириш орқали бюджетнинг харажатлар қисмида ижтимоий хизматлар юкини енгиллатиш йўлларига қаратилган бўлиб, мазкур йўналиш мамлакатимиз учун ҳам долзарб саналади.

### **Адабиётлар шарҳи**

Ижтимоий хизматлар шахснинг турмуши сифатини оширишга, унга жамият ҳаётида иштирок этишнинг бошқа фуқаролар билан тенг бўлган имкониятларини яратишга ва (ёки) ўзининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равища таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган хизматларга муҳтоҷ шахсга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий, психологик, таълимга оид, тиббий, реабилитация чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар мажмую экани Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўрсатиб ўтилган<sup>1</sup>. Бу таърифдан кўриш мумкинки, ижтимоий хизматларнинг асосий вазифаларидан бири шахснинг турмуши сифатини оширишга хизмат қилиши, шунингдек, жамият аъзолари ўртасидаги тафовутни қисқаритишга ёрдам беришдан иборат. Ижтимоий хизматнинг йўналишлари сифатида қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ҳуқуқий хизматлар
- иқтисодий хизматлар
- психологик хизматлар
- тиббий хизматлар
- таълим хизматлари ва бошқалар.

Россия Федерацияси қонунларида ижтимоий хизмат тушунчасига фуқаронинг турмуши шароитларини яхшилаш ҳамда унинг асосий эҳтиёжларини мустақил қондира олиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган доимий, даврий, бир марталик ёки оператив ёрдамни назарда тутувчи ҳаракат ёки ҳаракатлар йиғиндиси сифатида таъриф берилган<sup>2</sup>. Мазкур таърифдан кўриш мумкинки, ижтимоий хизматларнинг вазифалари шахснинг мустақил иқтисодий фаолиятини рағбатлантиришни ҳам қамраб олади.

Ижтимоий хизматлар тушунчаси иқтисодчилар томонидан ижтимоий соҳанинг ташкил этувчиси сифатида кенг ўрганилган. Хусусан, Герберт Спенсер ижтимоий соҳани ҳар қандай тирик организмда бўлгани каби, уч органдан иборат бўлиши таъкидлаган<sup>3</sup>:

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг "Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги Қонуни (<https://www.lex.uz/acts/3083192>)

<sup>2</sup> Федеральный закон от 28.12.2013 N 442-ФЗ (ред. от 25.12.2023) "Об основах социального обслуживания граждан в Российской Федерации" (<http://www.kremlin.ru/acts/bank/38016>)

<sup>3</sup> Спенсер Г. Основания социологии. СПб.: Тип. В. Демакова, 1877. Т. 2. Ч. 2, с. 557-558.

- озиқлантирувчи (таъминотчи) орган;
- тақсимот органи;
- тартибга солувчи орган.

Ижтимоий хизматлар эса тартибга солувчи орган топшириқларини тааъминотчи орган моддий рағбати эвазига амалга оширувчи тақсимот органи фаолияти натижаси сифатида намоён бўлади. Роберт Мертон хам ўз ишларида ижтимоий синфлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги функциялари хилма хиллигини, ўз ўрнида турлича ёндашувлар бўлиши лозимлиги асослаган<sup>4</sup>. Ижтимоий хизматларнинг фойдаланувчилари ҳам мазкур қарашлардан келиб чиқсан ҳолда турли синф вакиллари уун турли шартларда тақдим қилиниши лозим. Энтони Гидденс хукмрон синф (ҳукумат)нинг ижтимоий трансформацияни бошқаришда иқтисодий имкониятлари юқори эканини, ҳамда ижтимоий агентлар ёрдамида жамиятни йўналтириши мумкин эканини тушунтиради<sup>5</sup>. Ижтимоий хизматлар эса агентлар (ижрочилар) фаолиятини амалга оширишидаги дастаклар бўлиб хизмат қиласди.

Талкот Парсонс ижтимоий тизимни 4 унсурдан иборат экани тўғрисидаги назариясини таклиф этади<sup>6</sup>, унга кўра колектив ташкилотлар жамият аъзолари ўртасидаги муносабатлар натижасида шаклланади, ҳар бир индивид ўз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда бу колективга мослашади. Ижтимоий хизматлар эса мазкур мослашув жараёнида номутаносибликларнинг салбий оқибатларини олдини олиш учун хизмат қиласди. Малофеев хам ўз ишларида ижтимоий хизмат ва ижтимоий ишлар тушунчаларини кенг тадқиқ этган ҳамда уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини ёритиб берган<sup>7</sup>.

Професор А. Ваҳобов бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий хизматларни молиялаштиришнинг муқобил шаклларининг айрим жиҳатларини ўрганган<sup>8</sup>. Давлатнинг роли ҳамда ҳукумат томнидан эътибор берилиши лозим бўлган жиҳатлар эса профессор Д.Рахимова ишларида ўз аксини топган<sup>9</sup>.

### **Тадқиқот методологияси**

Ижтимоий хизматларнинг назарий жиҳатларини очиб беришга қаратилган мазкур ишда эмпирик тадқиқот, қиёслаш орқали турли манбаалар ўрганилган.

### **Натижалар ва мухокамалар**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтоҷ қисмини аниқлаш, уларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматларни мақсадли етказиб бериш тизими ислоҳ этиб борилди. Шу мақсадда 2017 йили маҳсус қонун эълон қилинди<sup>10</sup>. Унда кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг асосий принциплари сифатида қонунийлик, инсон ҳуқуқларига риоя этиш, инсонпарварлик, эркин фойдаланиш, профилактик йўналтирилганлик, аниқ йўналтирилганлик ва индивидуал ёндашув, ҳамда ихтиёрийлик белгилаб берилди. Шунингдек, мазкур турдаги

<sup>4</sup> Social Theory and Social Structure. Glencoe (III.), 1957.

<sup>5</sup> Гидденс Энтони, Саттон Филип Основные понятия в социологии // Экономическая социология. 2018. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-ponyatiya-v-sotsiologii> (дата обращения: 21.09.2024).

<sup>6</sup> Parsons T. The social system. N.Y., 1964, p. 552

<sup>7</sup> Малофеев И.В. Социальные услуги в системе социального обслуживания населения. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2012 – 176 с. ISBN 978-5-394-01677-5

<sup>8</sup> Ваҳобов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. –Т.: Шарқ, 2003;

<sup>9</sup> Рахимова Д. Давлат томонидан кучли ҳимоя тадбирларини қўлланиши./Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2000. №3, 40-41бетлар;

хизматларни амалга оширувчи субъектлар сифатида давлат ва нодавлат ташкилотлар, тадбиркорлар кўрсатилди.

Ижтимоий хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида Н. В. Путило қўйидагиларни кўрсатади<sup>11</sup>:

- хизматлар фуқароларга давлат ижтимоий сиёсати ва мафсадли ижтимоий дастурлар доирасида кўрсатилади;
- алоҳида шахсларга қаратилган манзилли фаолият;
- кўрсатилаётган хизматлар миқдорий ва сифат жиҳатдан аниқ регламентларга асосланади;
- хизматларни кўрсатиш бўйича молиявий харажатлар, асосан давла ёки мақсадли фондлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;
- хизмат кўрсатувчи субъектлар сифатида давлат ёки маҳаллий ҳокимият ташкилотларининг етакчи роли сезилади.

Хорижий адабиётларда ижтимоий хизматлар атамасига таъриф беришда

Ижтимоий хизматлар кўрсатилишида давлат ва ҳокимият органларининг юқори роли таърифлардан кўриниб турибди, бироқ бу соҳада нодавлат ташкилотлар иштироки чекланганини англатмайди.

Ижтимоий хизматлар қўйидагича таснифланади<sup>12</sup>:

- кундалик ҳаёт тарзини ушлаб туришга қаратилган майший хизматлар;
- профилактика, соғломлаштириш, назорат орқали аҳоли соғлигини таъминлаш ва тиклашга қаратилган тиббий хизматлар;
- фуқароларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш, жамиятга мослашишни енгиллаштиришга қаратилган психологик хизматлар;
- фуқаролар салоҳиятини рӯёбга чиқариш, оиласарга фарзанд тарбиясига кўмаклашиш, касбга йўналтириш масалаларини қамраб оловчи педагогик хизматлар;
- бандлик ва меҳнат шароитига мослашишга қаратилган хизматлар;
- аҳоли саводхонлигини оширишга қаратилган ҳуқуқий хизматлар.

Иқтисодий тизимнинг ўзариши билан боғлиқ ўтиш давридаги иқтисодиётда ижтимоий хизматлар ва уларни молиялаштириш бўйича қатор қийинчиликлар вужудга келади. Биринчи навбатда, фуқароларнинг иқтисодий фикрлашларини ўзариши билан боғлиқ бўлиб, ҳукуматга қўйилган талаб ва ундан кутувлар юқори бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида бозор механизмлари орқали амалга оширилиши лозим бўлган қатор функцияларни аҳоли давлат томонидан таъминланиши лозим деб билади. Иккинчидан, ижтимоий хизматларни молиялаштириш манбаси ва унинг муқобилининг кам экани ҳукуматнинг ижтимоий сиёсатини олиб имкониятларини чеклайди. Учинчидан, тадбиркорлик субъектлари нисбатан ёш экани йирик ва мақсадли жамғармалар ташкил этиш учун бир қатор қийинчиликлар пайдо қиласди. Натижада ижтимоий хизматлар тушунчаси давлат томонидан белгиланган хизматлар регламентлари ва стандартларига мувофиқ аҳолининг эҳтиёжлари учун давлат ресурсларидан фойдаланиш ҳисобига нобозор асосида юзага келтириладиган ва

<sup>11</sup> Путило, Н. В. Система публичных услуг. Социальные услуги. // Публичные услуги: правовое регулирование (российский и зарубежный опыт): сб. статей / под общ. ред. Е. В. Гриценко, Н. А. Шевелевой. – М.: Волтерс Клювер, 2007. – С. 8-21

<sup>12</sup> Федеральный закон от 28.12.2013 N 442-ФЗ (ред. от 25.12.2023) "Об основах социального обслуживания граждан в Российской Федерации"

фойдаланиладиган ижтимоий неъматларнинг бир шакли сифатида таърифланади<sup>13</sup>. Ижтимоий хизматларни ишлаб чиқариш ва тақдим этиш вазифаларини бажариш учун давлатга ушбу давлат эгалик қилган ва тасаррүф қилган ресурсларни ўз ичига олувчи кучли ва ривожланган ижтимоий соҳа зарур бўлади. Бироқ давлат томонидан бу каби фаолиятни ташкил этиш қатор омиллар сабабли самарадорликнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Натижада давлат эгалик қилиб турган ресурслар бесамар ҳарж бўлиши ҳолати кузатилади. Бунинг ечими сифатида бугунги кунда жаҳон тажрибасида турли молиялаштириш усуллари ва манбаларидан кенг фойдаланилмоқда<sup>14</sup>. Шулардан бири давлат-хусусий шерикчилиги форматидаги ҳамкорлик ҳисобланади. Аслида ДХШ лойиҳалари иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этишга қаратилган, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва (ёки) илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш асосида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи бўлиб<sup>15</sup>, ижтимоий хизматлар кўрсатишни бу шаклда ташкил қилишда томонларнинг роли ўзгариши мумкин. Унинг қўйидаги ижобий жиҳатларини санаб чиқиш мумкин:

- давлат ҳаражатларини оптималлаштириш;
- кичик масштабларда ҳам хизматларни самарали ташкил этиш;
- коррупциянинг олдини олиш;
- турли пулли хизматларни жорий этиш орқали тўлиқ бандликни таъминлаш;
- қўшимча маблағларни жалб қилиш.

Шунингдек, нодавлат секторнинг бу йўналишга жалб этилиши фаолиятнинг жамиятдаги ижтимоий-иктисодий ўзгаришларга мослашувчанлик даражасини оширади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Иқтисодиёт ҳамда ишлаб чиқариш омилларининг ўзгариши билан жамиятда ижтимоий хизматларнинг хўжалик тизимидағи роли ўзгара бошлади. Эндилиқда аҳолининг базавий эҳтиёжларини қондиришгина эмас Унинг олдига қўйилган вазифалар қаторида “инсон капиталини” шакллантиришга қаратилган жиҳатлари асосий ўринга кўтарилмоқда. Шунингдек, тенологиянинг ривожланиши ижтимоий хизматларни таклиф этиш форматларини ҳам ўзгартириб юбормоқда. Шу сабабли бу йўналишда олиб борилаётган ҳар қандай ислоҳотлар, биринчи навбатда, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш билан бир қаторда унинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилишига эътибор қаратилиши лозим. Ижтимоий хизматларга сарфланаётган маблағлар истеъмол учун эмас, балки инвестиция сифатида йўналитирилишига эришилиши лозим. Яъни ижтимоий хизмат, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, аҳоли учун иқтисодий фаолиятни олиб бориш имкониятини яратиб беришни ҳам назарда тутмоғи лозим.

<sup>13</sup> Сайдакулов Р.А. Ижтимоий хизматлар ва уларнинг иқтисодий муносабатлар тизимидағи роли “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2018 йил 4/2018 (№ 00036)

<sup>14</sup> Laura Bolton. Innovative financing methods for social protection. Institute of Development Studies 23.03.2017.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикасининг 10.05.2019 йилдаги ЎРҚ-537-сон “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Қонуни (<https://www.lex.uz/acts/3083192>)
2. Федеральный закон от 28.12.2013 N 442-ФЗ (ред. от 25.12.2023) "Об основах социального обслуживания граждан в Российской Федерации" (<http://www.kremlin.ru/acts/bank/38016>)
3. Спенсер Г. Основания социологии. СПб.: Тип. В. Демакова, 1877. Т. 2. Ч. 2, с. 557-558.
4. Social Theory and Social Structure. Glencoe (III.), 1957.
5. Гидденс Энтони, Саттон Филип Основные понятия в социологии // Экономическая социология. 2018. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-ponyatiya-v-sotsiologii> (дата обращения: 21.09.2024).
6. Parsons T. The social system. N.Y., 1964, p. 552
7. Малофеев И.В. Социальные услуги в системе социального обслуживания населения. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2012 – 176 с. ISBN 978-5-394-01677-5
8. Ваҳобов А.В. Бозор муносабатлари тизимидағи ижтимоий фондлар. –Т.: Шарқ, 2003;
9. Рахимова Д. Давлат томонидан кучли ҳимоя тадбирларини қўлланиши //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2000. №3, 40-41бетлар;
10. Путило, Н. В. Система публичных услуг. Социальные услуги. // Публичные услуги: правовое регулирование (российский и зарубежный опыт): сб. статей / под общ. ред. Е. В. Гриценко, Н. А. Шевелевой. – М.: Волтерс Клювер, 2007. – С. 8-21
11. Федеральный закон от 28.12.2013 N 442-ФЗ (ред. от 25.12.2023) "Об основах социального обслуживания граждан в Российской Федерации"
12. Сайдақулов Р.А. Ижтимоий хизматлар ва уларнинг иқтисодий муносабатлар тизимидағи роли “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2018 йил 4/2018 (№ 00036)
13. Laura Bolton. Innovative financing methods for social protection. Institute of Development Studies 23.03.2017.
14. Ўзбекистон Республикасининг 10.05.2019 йилдаги ЎРҚ-537-сон “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни.